



**ЎЗКИМЁСАНОАТ**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2025 йил 17-июл

## **Ходимлар билан ишлаш бошқармаси**



**Арипов Воҳид Валиевич**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

Телефон рақами: [+998781407412](tel:+998781407412)

Электрон почта манзили: [aripov@uks.uz](mailto:aripov@uks.uz)

**Меҳнат фаолияти**

2023-й- ҳ.в.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ходимлар билан ишлаш  
бошқармаси бошлиғи

2020-2023 йй.	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи
2019-2020 йй.	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Ходимлар билан ишлаш ва ташкилий ривожлантириш бўлими бошлиғи
2019-2019 йй.	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи

## Вазифалари

- Жамият ижро аппаратининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини, шунингдек, таркибий бўлинмалар номенклатурасига кирадиган ходимларни лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва озод қилиш ишларини мувофиқлаштириш;
- Бўш лавозимларни тўлдириш ва ходимларни танлаш учун жамият мутахассисларининг ишбилармонлик сифати ва бошқа шахсий хусусиятларини тизимли равишда ўрганади, корхонанинг раҳбарлар номенклатурасига киритилган лавозимларга ходимларни танлаш, алмаштириш, кадрлар захирасини яратиш учун уни янгилаш ва тўлдиришни назорат қилади, тасдиқланган захирадан раҳбар кадрлар шаклланишини таъминлаш;
- Лавозимларга муносиб ёш ва салоҳиятли мутахассисларни ишга қабул қилиш, жойлаштириш, уларнинг имкониятлари ва ишчанлик сифатларидан унумли фойдаланилишни таъминлаш;
- Жамиятда кадрларни жойлаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш;
- Аттестация жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, аттестация комиссияларининг тавсияларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади, зарур ҳолларда мутахассисларни навбатдаги ва такрорий аттестациядан ўтказилишини, бунинг учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлаш;
- Ижро аппаратида ҳамда унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини мувофиқлаштириш;
- Тармоқ корхоналарини раҳбар кадрлар, мутахассислар, талаб қилинадиган касб эгалари ва малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларини мувофиқлаштириш.

## source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/department/xodimlar-bilan-ishlash-boshqarmasi>